

Амалий Машғулотларни Олиб Боришда Замонавий Педагогик Технологияларнинг Ўрни

ТОШЕВА Ҳ. Б.

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро Давлат тиббиёт институти, Ички касалликлар
пропедевтикаси кафедраси доценти PhD,
E-mail: tosheva.hakima@bsmi.uz

Аннотация: Мақолада Бухоро тиббиёт институти 3-курс талабаларига “Ички касалликлар пропедевтикаси” фанидан ўтказилган амалий дарс жараёнида “Кластер” ва “Уч поғонали интервью” интерфаол усулини қўлланилиш самарадорлиги натижалари келтирилди. “Кластер” усули машғулотларнинг назарий қисмига мос келади, талабанинг тезкор фикрлашга ўргатади. “Уч поғонали интервью” усули мавзунинг махсус қисмига мос келиб, амалий кўникмани ўрганиши учун юқори самарадорликка эга.

Калит сўзлар: Кластер, Уч поғонали интервью, назарий билим, амалий кўникма

Кириш. Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда билим оловчиларнинг ўқув ва ижодий фаолликларини оширувчи, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи педагогик технологияларни қўллашга доир катга тажриба тўпланган бўлиб, бу тажриба асосини интерфаол методлар ташкил этмоқда. Замонавий шароитда таълим самарадорлигини оширишнинг энг мақбул йўли - бу машғулотларнинг интерфаол методлар ёрдамида ташкил этиш деб ҳисобланмоқда. Интерфаоллик таълим жараёни иштирокчиларининг билим, кўникма, малака ҳамда муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлида биргаликда, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатни ташкил қилиш лаёқатига эгаликларидир [1].

Америкалик психолог олимлар Р.Карникау ва Ф.Макэлроунинг ўрганишларига кўра шахснинг табиий физиологик - психологик имкониятлари муайян шаклларда ўзлаштирилган билимларни турли даражада сақлаб қолиш имконини беради. Яъни шахс: манбани ўзи ўқиганида 10 %; маълумотни эшитганида 20 %; содир бўлган воқеа, ҳодиса ёки жараённи кўрганида 30 %; содир бўлган воқеа, ҳодиса ёки жараённи кўриб, улар тўғрисидаги маълумотларни эшитганида 50 %; маълумот (ахборот)ларни ўзи узатганида (сўзлаганида, билимларини намоёниш этганида) 80%; ўзлаштирилган билим (маълумот, ахборот)ларни ўз фаолиятига татбиқ этганида 90 % ҳажмдаги маълумотларни ёдда сақлаш имкониятига эга. Шунга кўра интерфаол ўқитиш “таълим жараёнининг асосий иштирокчилари -ўқитувчи, ўқувчи ва ўқувчилар гуруҳи ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик, қизғин баҳс-мунозалар, ўзаро фикр алмашиш имкониятига эгалик асосида ташкил этилади, уларда эркин фикрлаш, шахсий қарашларини иккиланмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўқув материалларини ўзлаштиришда ўқувчиларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, “ўқитувчи - ўқувчи - ўқувчилар гуруҳи”нинг ўзаро бир-бирларини ҳурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб-қувватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, рухий бирликка эришишлари кабилар билан тавсифланади” [8].

“Интерфаол” тушунчаси инглизча «Interact» («Inter»- “биргаликда” «act» “таъсир қилиш” маъносини англатади. Бундан чиқадики, “интерфаол усуллар” деганда талабаларнинг ўзаро таъсири тушунилади. “интерфаол ўқитиш усули” ўқитиладиган талабаларнинг ҳамкорликда фаолият кўрсатиш шаклини кўрсатади. Интерфаол усулнинг моҳияти ҳамма талабалар ва

Ўқитувчининг ўзаро таъсиридан иборат [6,7]. Илмий-техника тараққиётдан ортда қолмайдиган малакали рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашни олий ва махсус ўқув юрглари профессор ўқитувчилари олдида турган долзарб масалалардан биридир. Шунингдек замонавий олий таълимда иқтидорли касб эгаларини етиштириб бериш учун ўқитишнинг услубларини қайта шакллантириш талаб қилинади [1].

“Кластер” (ғунча, тўплам, боғлам) методи пухта ўйланган стратегия бўлиб, уни ўқувчи (талаба)лар билан яқка тартибда, гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотларда қўллаш мумкин. Кластерлар илгари сурилган ғояларни умумлаштириш, улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади. Методдан фойдаланишда қуйидаги шартларга риоя қилиш талаб этилади:

Нимани ўйлаган бўлсангиз, уни коғозга ёзинг!

Фикрингизнинг сифати ҳақида ўйлаб ўтирмай, шунчаки ёзиб бординг!

Ёзувингизнинг орфографияси ёки бошқа жиҳатларига эътибор берманг!

Белгиланган вақт ниҳоясига етмагунча, ёзишдан тўхтаманг!

Агар маълум муддат ўйлай олмасангиз, у ҳолда коғозга бирор нарсанинг расмини чиза бошланг!

Бу ҳаракатни янги муайян тушунча доирасида имкон қадар кўпроқ янги ғояларни илгари суриш, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, боғлиқликни кўрсаташ: ғоя туғилгунига қадар давом эттиринг!

Метод ёрдамида талабалар топшириқ бўйича фикрларини кластер (майда, алоҳида қисмлар) тарзида 1-жадвалдаги кўринишда ифодалайди. “Кластер” усули янги усуллардан бири бўлиб, кўриб ўтиладиган йўналишларга тааллуқли саналади [8,9]. “Кластер” усулининг мақсади янги ғоялар тузиш, яхши ғояга эга бўлиш, яхшироқ натижага эришиш ва масаланинг ечимини янги йўналишини қидиришдан иборат. “Кластер” – бу муаммони ечишнинг тезкор интенсив жараёни саналади. Бу ижодий фаолликка чорлаш асосида талабалардан муаммони ечимини қўплаб турли вариантини аниқлашга, жумладан фантастик тасаввурни намоён қилишга чорлайди. Ўқитувчи айтилган ғоялар орасидан амалиёт учун аҳамиятли бўлганларини саралаб олади.

Ўқитувчи дарсни ўтишдан олдин талабаларга асосий муҳокама принципларини айтади, максимал сонда ғоялар, сифатига эътибор қилинмаган ҳолда, қисқача муаммонинг ечими, бунда критик ва таҳлил қилинмасдан ақлга келган ҳамма ғоялар мужмал бўлса ҳам келтирилади, бировларнинг ғоясини ривожлантириш мумкин, фақат танқид қилинмайди. Бунда ўқитувчида аввалдан тайёрлаб қўйилган дарсга оид саволлар тўплами лаборатор машғулотни бажариш жараёнида қўлланиши мумкин.

Ўқув жараёнини оптималлаштиришда янги педагогик технологияларни ва интерфаол усулларни қўллаш талабанинг клиник билимини баҳолашни такомиллаштиришга олиб келади [1,2,3]. Тиббиёт ўқув юргларида амалий кўникмаларни ўргатиш ва унинг бажарилишини баҳолаш алоҳида ёндошувни талаб қилади [7]. Замонавий педагогик технологияларни, ўқитишнинг янги турлари ва такомиллашган усулларини тадбиқ қилмасдан, тиббий таълимни ҳар томонлама ривожлантириб бўлмайди [4,5,6]. Таклиф қилинган “Кластер” ва “Уч поғонали интервью” усули талабаларнинг клиник билимини такомиллаштириш учун муҳим саналади [8,9].

Ишнинг мақсади. Талабаларнинг фаоллигини ошириш учун амалий машғулотлар жараёнида “Кластер” ва “Уч поғонали интервью” интерфаол усулининг самарадорлигини ўрганиш.

Муҳокама ва натижалар. Бухоро Давлат тиббиёт институтининг “Ички касалликлар пропедевтикаси” кафедрасида 3-курса ўқитиладиган ички касалликлар пропедевтикаси фанидан талабаларга ўтказилган амалий машғулотларда интерфаол усулнинг самарадорлиги

кўрсаткичлар бўйича таҳлил қилинди. Қўйилган мақсадни амалга ошириш учун рейтинг кўрсаткичлари бўйича деярли тенг ва ўтиладиган мавзулар айнан ўхшаш иккита репрезентатив гуруҳларда интерфаол ва анъанавий усулларда ўтилган машғулотлар самарадорлик кўрсаткичлари баҳоланди. Юрак қон томир аъзоларининг хасталикларига оид 4 та амалий машғулот натижалари қиёсланди. Ҳамма талабалар иккита гуруҳга ажратилди: биринчи гуруҳда 4 та мавзуда (21 талаба) “Кластер” усули, иккинчи гуруҳда (22 талаба) –“Уч поғонали интервью” интерфаол усули технологияси қўлланди.

“Кластер” усулида муаммолар бутун гуруҳдаги талабалар диққатига ҳавола қилинади, тезда биргаликда таҳлил қилишиб 5 дақиқада жавобни белгилаб беришади. “Уч поғонали интервью” усулида ҳар гуруҳда уч кишидан иборат талабалар гуруҳи “врач”, “бемор”, “эксперт-УАШ” ролини бажаради, 10-15 дақиқа вақт ажратилади. “Эксперт” шифокор ҳаракатларига баҳо беради, бунда “нима тўғри бажарилди”, “нима хатолик бўлди?”, “қандай бажариш лозим?” таҳлил қилади, сўнгра ўқитувчи томонидан муҳокама қилинади.


“Кластер” усули фаннинг умумий қисми мавзуларини (расмда келтирилган). “Уч поғонали интервью” усули махсус бўлимларини ўргатишда қўлланилди. Талабаларнинг билим даражаси ва унинг мустақамлиги савол-жавобларда, ёзма ишлар, тест натижалари, оралик ва якуний баҳолаш натижалари бўйича ўрганилди. “Кластер” усулида ($\alpha 1$, $\alpha 2$ ва $\alpha 3$) вариантдаги саволлар берилди (1-жадвал).

1-жадвал. “Кластер” усулини амалий машғулотда қўллаш

Тартиб рақами №	Кластер саволлари	Жавоблари
1. ($\alpha 1$)	Артериал гипертониянинг нечта даражаси бор?	3та АГ I даража 140-159, 90-99 АГ II даража 160-179, 100-109 АГ III даража >180, >110
2. ($\alpha 2$)	Артериал гипертонияни келтириб чиқарувчи хавф омилларни сананг.	Ичиш, чекиш, ёши, жинси, кам ҳаракатлик, нотўғри овқатланиш, стресс
3. ($\alpha 3$)	Артериал гипертонияга сабаб бўлувчи эндокрин касалликларни белгиланг.	Иценко-Кушинг синдроми, феохромацитома, қандли диабет, диффуз токсик бўқоқ
4. ($\alpha 1$)	Артериал гипертония касаллигининг клиник белгиларини ёзинг.	Бош оғриши, бош айланиши, кўз олди қоронғулашиши, кўнгил айнаш, холсизлик
5. ($\alpha 2$)	АГни даволашда қандай гуруҳ препаратларидан фойдаланилади?	Диуретиклар, бетта-блокаторлар, АПФ ингибитори, Са каналлари блокаторлари, АРА II антагонистлари
6. ($\alpha 3$)	АГ асоратларини сананг.	Нишон аъзоларни зарарлаши, гипертоник криз, миокард инфаркти, инсульт

Текшириш натижаларининг кўрсатишича “Кластер” ва “Уч поғонали интервью” усули талабаларнинг билим даражасини шаклланишига ҳар хил таъсир қилди. Бу ҳақида академик гуруҳларда олинган назорат иши натижалари таҳлили далолат берди. Олинган далиллар асосида кўринадик, “Кластер” усули талабаларнинг оғзаки ва тезкор фикрлашини ривожлантириши эгалланган билим назорати таҳлилида намоён бўлди. “Кластер” интерфаол усулида дарс ўтилган 14 ҳолатда (66,7%) клиник билим эгаллашда оғзаки нутқ, 6 ҳолатда

(28,6%) эса клиник мушоҳада кўникмалари шаклланди, бундан англаш мумкинки, усул машғулотнинг фақат назарий қисми учун муҳим бўлиб, амалиёт кўникмаларини эгаллаш учун етарли даражада аҳамиятга эга бўлмайди.



1-расм. “Кластер” ва “Уч поғонали интервью” усулининг амалий машғулотда қўлланилиши.

Дарс жараёнида ўзлаштириш натижалари бўйича II -гуруҳдаги талабаларда I-гуруҳдаги талабаларга нисбатан сезиларли ижобий ўзгаришлар кузатилди. “Бемор” ролини ижро қиладиган талабалар касалликнинг белгиларини имкон қадар чуқур ўрганишга, субъектив маълумотларни ўзлаштириши 75% га етганлиги аниқланди, бу ролни ижро қилмаган талабалардан ишонарли даражада 48% фарқ кузатилди ($p < 0,005$), “врач” ролини бажарувчи талабаларда эса субъектив маълумотлар билан бир қаторда объектив маълумотлар - пальпация, перкуссия, аускультация кўникмаларини пухта ўргандилар ва амалий кўникмани бажариш 78% га етди, физикавий текшириш усули бўйича орадаги фарқ 50%ни ташкил қилди ($p < 0,005$). “Врач” ролини ижро қилган талабаларнинг амалий кўникмани бажариш жараёнида ўзаро фаоллашуви яққол сезилди. Шунингдек лаборатор-инструментал текширишларнинг натижаларини ўзлаштириши талабаларда 27% га ортанлиги, беморнинг олдида ўзини тутишни ўрганишига ёрдам берди. “Эксперт” ролини ижро қилувчи талабалар ижобий ютуқлар билан биргаликда йўл қўйилган хато-камчиликларни ўз вақтида пайқаб, буни олдини олиш ёки бартараф қилишнинг тезкор чораларини нисбатан пухта ўргандилар. Усулнинг камчилик томони шундаки, ҳамма иштирокчилар дарс жараёнига фаол қатнаша олмади. Бундан келиб чиқадики, “уч поғонали интервью” усули талабаларни эркин фикр юритишига имкон бериб, клиник тафаккурини ва амалий кўникмаларини ўзлаштириш кўрсаткичини оширади.

I-гуруҳдаги талабаларда клиник ҳолатларни таҳлил қилишда тезкорлик 21% га ишонарли даражада ортди ($p < 0,05$), дарс давомида ўзларини нисбатан эркин ҳис қилишди, ютуқ ва камчиликларни ўзаро таҳлил қилишни, мустақил фикрлашни ўргандилар, амалий билимларни ўзлаштириш кўрсаткичи II -гуруҳдаги талабалардан сезиларли ортда қолганлиги аниқланди ($p < 0,005$) (1-расм).

Юқоридаги олинган натижалар таҳлили далолат берадики, “Кластер” усули талабаларни назарий билимини мустақамлашга, тезкорликка ўргатади, “уч поғонали интервью” усули эса клиник мушоҳада қилишга ва амалий кўникмаларни эгаллашига ёрдам беради.

Бундан келиб чиқадики, “Кластер” усули амалий машғулотларнинг назарий қисмини, “уч поғонали интервью” усули эса амалий қисмини ўтиш учун қулай.

Хулоса:

1. “Кластер” ва “уч поғонали интервью” усули талабаларнинг билимини шаклланишига турлича таъсир кўрсатади.
2. Амалий машғулотларда интерфаол усулни ҳар бир мавзу учун аниқ белгилаб, шунга мос ёндошиш лозим.
3. “Кластер” усули машғулотларнинг назарий қисмига мос келади, талабанинг тезкор фикрлашга ўргатади. “уч поғонали интервью” усули мавзунинг махсус қисмига мос келиб, амалий кўникмани пухта эгаллашига ёрдам беради.

Адабиётлар

1. Григораш О.В. Система подготовки специалистов высшего профессионального образования / О.В. Григораш //Политематический сетевой электронный научный журнал Кубанского Государственного аграрного университета (Научный журнал КубГАУ) [Электронный ресурс]. –Краснодар.: КубГАУ, 2014,-№ 06(100). С. 411-430.
2. Г.А. Джаналиева. Мутахассислик фанларини ўқитишда интерфаол методларни қўлланилиши. – Таълим, фан ва инновация. 2016,-№2. 91-95 б.
3. Х.Я. Каримов Новые педагогические технологии. Второй Ташкентский Государственный медицинский институт. 2001г. С. 150.
4. Контроль знаний в высшей медицинской школе: учебное пособие/ Сост. Г.В. Безродная и соавт. Шпикс.-Новосибирск: Сибмедиздат НГМУ. 2007.С. 125.
5. Т.А. Дронова. «К вопросу о преподавании пропедевтики внутренних болезней». Клиническая медицина №3 2003г. С. 67-70.
6. Нарзиев Ш.С., Хазратов У.Х., Аслонова И.Ж. Оценка эффективности интерактивных методов обучения в формировании знаний студентов потерапии Бухоро Давлат университети илмий ахбороти 2015,-№4.С. 174-179.
7. Реутова Е.А. Применения активных и интерактивных методов обучение в образовательном процессе ВУЗ. Методическое рекомендации. Новосибирск 2012. С.4
8. Рузиева Д., Усмонбоева М., Холикова З. Интерфаол методлар: мохияти ва қўлланилиши / Методик қўлланма. - Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ нашриёти, 2013. - 136 бет.
9. Хазратов Ў.Х., Аслонова И.Ж., Ҳалимова Д.Ж. Ҳамширалик иши фанини ўқитишда интерфаол усулларнинг аҳамияти. Бухоро давлат университети илмий ахбороти. 2019., №3., 269-272 б.
10. Teodorović D., Dell’Orco M. Bee Colony Optimization – a Cooperative Learning Approach to Complex Transportation Problems // Advanced OR and AI Methods in Transportation: Proceedings of 16th Mini–EURO Conference and 10th Meeting of EWGT (13-16 September 2005). – Poznan: Publishing House of the Polish Operational and System Research, 2005. – P. 51–60.
11. Bekmurodovna, T. K. (2023). CLINICAL-FUNCTIONAL PARAMETERS OF BRONCHIAL ASTHMA. TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMİY JURNALI, 3(5), 507-513.
12. Тошева, Х. Б. (2023). КЛИНИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ БРОНХИАЛЬНОЙ АСТМЫ В УСЛОВИЯХ ЖАРКОГО КЛИМАТА. TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMİY JURNALI, 3(5), 498-506.

13. Тошева, Х. Б. (2022). КЛИНИКО-ФУНКЦИОНАЛЬНЫЕ ПОКАЗАТЕЛИ БРОНХИАЛЬНОЙ АСТМЫ В УСЛОВИЯХ ЖАРКОГО КЛИМАТА. BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMİY JURNALI, 2(12), 756-763.
14. Tosheva, K. B. (2022). Significance of Cystatin-S and Galectin-3 Levels in Patients with Chronic Heart Failure. *Central Asian Journal of Medical and Natural Science*, 3(4), 189-194.
15. Gadaevich, G. A., Bekmurodovna, T. K., Abdusalolovna, X. F., Erkinovna, E. N., & Orifovna, D. N. (2021). EVALUATION OF THE EFFECTIVENESS OF TREATMENT IN CHRONIC HEART FAILURE WITH ANEMIA. EDITOR COORDINATOR, 701.
16. Гадаев, А. Г., Тошева, Х. Б., Элмуратов, Ф. Х., & Халилова, Ф. А. (2018). Фиброзные изменения в почках у больных ХСН. *Терапевтический вестник*. Ташкент, 2, 86-90.
17. Khazratov, U. X., Narziev, S. S., & Tosheva, B. K. (2021). Effectiveness of nebuliserotherapy in reflux-associated asthma. *ASIAN JOURNAL OF MULTIDIMENSIONAL RESEARCH*, 10(4), 944-948.
18. Kh, K. U. Tosheva Kh. B., Khalilova FA Studying the frequency of the symptoms of gastroesophageal reflux disease. In *Proceedings of multidisciplinary International Scientific-Practical Conference "Current Issues of Science. Education and Inducation and Industry in Modem Research* (pp. 10-12).
19. Bekmurodovna, T. K., & Gadaevich, G. A. (2021). Dynamics of Renal Fibrosis Markers on the Basis of Complex Treatment in Chronic Heart Failure with Anemia.
20. Tosheva, K. B., Erkinova, N. E., Khalilova, F. A., Gadaev, A. G., & Djuraeva, N. O. (2020). Comorbid states in patients with chronic heart failure. Regional level of the problem (Preliminary Study). *Journal of Cardiovascular Disease Research*, 11(2), 59-65.
21. Khazratov, U. X., Narziev, S. S., & Tosheva, B. K. (2021). Effectiveness of nebuliserotherapy in reflux-associated asthma. *ASIAN JOURNAL OF MULTIDIMENSIONAL RESEARCH*, 10(4), 944-948.
22. Гадаев, А. Г., Туракулов, Р. И., Курбонов, А. К., Тошева, Х. Б., Эркинова, Н. А., Халилова, Ф. А., & Джураева, Н. Д. (2019). Сурункали юрак етишмовчилиги камқонлик билан кечганда даволаш тамойиллари.
23. Гадаев, А. Г., Халимова, Х. Х., Элмуратов, Ф. Х., Тошева, Х. Б., & Халилова, Ф. А. (2018). Роль некоторых маркеров в оценке течения Хронического кардиоренального синдрома.
24. Тошева, Х. Б., & Кенжаева, З. О. (2014). Пропаганда здорового образа жизни в селе как механизм сохранения здоровья сельского населения.
25. Bekmurodovna, T. K., Erkinovna, E. N., Gadaevich, G. A., Oripovna, D. N., & Abdusalolovna, K. F. (2020). Comorbid States in Patients with Chronic Heart Failure. Regional Level of the Problem (Preliminary Study). *Journal of Cardiovascular Disease Research*, 11(2), 59-65.
26. Клычева, М. А., Тошева, Х. Б., Халилова, Ф. А., & Нуритов, А. И. (2015). Роль психологии семейного воспитания в формировании поведенческих реакций у подростков. *Наука молодых—Eruditio Juvenium*, (2), 75-79.
27. Хазратов, У. Х. (2022). Особенности Течения Бронхиальной Астмы В Условиях Жаркого Климата. *Central Asian Journal of Medical and Natural Science*, 3(4), 227-233.
28. Khotamova, R. S. (2022). Monitoring of Kidney Fibrosis Changes in Patients with Chronic Heart Failure. *Central Asian Journal of Medical and Natural Science*, 3(4), 199-204.
29. Bekmurodovna, T. K., & Chorievich, Z. A. (2021). Study of frequency indicators of comorbid states at different functional classes of heart failure. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 2556-2560.

30. Тошева, Х. & Кайимова, Д. И. (2017). Метаболик синдромнинг ривожланишида ирсиятнинг ахамияти. *Биология и интегративная медицина*, 1, 132.
31. Ашурова, Н. Г. (2022). Значение Немедикаментозной Коррекции Нарушений Углеводного Обмена. *Central Asian Journal of Medical and Natural Science*, 3(5), 10-22.
32. Джураева, Н. О. (2022). Оценка Кардиореспираторных Показателей На Основе Комплексное Лечение Хронической Обструктивной Болезни Легких Заболевание С Легочной Гипертензией. *Central Asian Journal of Medical and Natural Science*, 3(5), 23-30.
33. Khalilova, F., Tosheva, K., Gadaev, A., Erkinova, N., & Djuraeva, N. (2020). COMORBID CASES IN CARDIORENAL SYNDROME AND ITS IMPACT ON PATIENTS'QUALITY OF LIFE. *InterConf*.
34. Тошева, Х., Хазратов, У., & Нарзиев, Ш. (2020). РОЛИ ДИСФУНКЦИИ ПОЧЕК В РАЗВИТИИ КОМОРБИДНОСТИ У БОЛЬНЫХ С ХРОНИЧЕСКОЙ СЕРДЕЧНОЙ НЕДОСТАТОЧНОСТЬЮ. *Журнал вестник врача*, 1(3), 93-96.
35. Гафуровна А.Н. (2022). Симуляционное обучение как метод современных технологий в медицинской практике студентов медицинских вузов. *Среднеевропейский научный бюллетень*, 24, 276-280.
36. Ашурова Нодира Гафуровна, Эркинова Нигора Эркиновна РОЛЬ СИМУЛЯЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ В ФОРМИРОВАНИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ СТУДЕНТОВ МЕДИЦИНСКИХ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ // *ORIENS*. 2021. №5.
37. Ашурова Н.Г. (2016). О натуре лекарственных средств в древневосточной медицине. *Биология и интегративная медицина*, (2), 189-199.
38. Ашурова Нодира Гафуровна (2020). Прополис и современные медикаменты. *Биология и интегративная медицина*, (2 (42)), 140-156.
39. Ашурова Нодира Гафуровна, & Эркинова Нигора Эркиновна (2021). РОЛЬ СИМУЛЯЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ В ФОРМИРОВАНИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ СТУДЕНТОВ МЕДИЦИНСКИХ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1 (5), 234-242.
40. Ашурова Нодира Гафуровна и Хазифа Хикматовна Тухтаева. (2021). РОЛЬ СИМУЛЯЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ В ФОРМИРОВАНИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ СТУДЕНТОВ МЕДИЦИНСКОГО ВУЗА. *Academicia Globe: Inderscience Research*, 2 (6), 303–307.
41. Khotamova R. S. Frequency of Comorbid Conditions in Chronic Heart Failure // *Middle European Scientific Bulletin*. – 2022. – Т. 24. – С. 260-264.
42. Khotamova R.S. The Role of Folk Medicine in the Treatment of Patients with Cardiovascular Diseases // *Central Asian Journal of Medical and Natural Science (ISSN:2660-4159)* Oct. 14, 2021. Page: 280-283.
43. Orifovna, D. N. (2021). Comparative Characteristic of the use of Glucose-Containing Drugs in A Complex and Separate with Diabetes Mellitus Associated with Chronic Renal Pathology. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MEDICAL AND NATURAL SCIENCES*, 393-396.
44. K.F. Abdusalolovna. Assessment of Intracardiac Hemodynamics and Electrolyte Balance in Various Hemodynamic Types of Chronic Heart Failure Accompanied By Anemia // *European Multidisciplinary Journal of Modern Science* 7,63-71, 2022
45. Gadaev A.G., Xalilova F.A., Elmuradov F.X., Tosheva X.B. Structural and functional changes in the kidneys and heart in patients with XSN. *Therapy Bulletin of Uzbekistan*. 2018. -1 - S. 100-104.

46. K.F. Abdusalolovna. Assessment of Intracardiac Hemodynamics and Electrolyte Balance in Various Hemodynamic Types of Chronic Heart Failure Accompanied By Anemia // European Multidisciplinary Journal of Modern Science 7,63-71, 2022
47. Khalilova F. A. et al. COMORBIDE CASES IN CARDIORENAL SYNDROME AND ITS IMPACT ON PATIENTS'QUALITY OF LIFE //EDITOR COORDINATOR. – 2020. – C. 741.
48. Aslonova I. J. et al. The prevalence of chronic pyelonephritis in women with disturbed tolerance for glucose //Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). – 2019. – T. 8. – №. 11. – C. 81-85.
49. Aslonova I. Z., Erkinova N. E., Tosheva K. B. The prevalence of chronic pyelonephritis in women with disturbed tolerance for glucose //International Journal of Pharmaceutical Research. – 2019. – T. 11. – №. 4. – C. 866-868.
50. Erkinova, N. (2021). OBSERVATION OF ALBUMINURIA IN CHRONIC HEART FAILURE AND SOME OF ITS CLINICAL FEATURES. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(05), 442-446.
51. Nigora, E., & Nargiza, X. (2021). OBSERVATIONS, CLINICAL FEATURES OF ALBUMINURIA WITH RENAL CHANGES IN CHRONIC HEART FAILURE. *Academicia Globe: Inderscience Research*, 2(05), 335-339.
52. Erkinovna, E. N., & Ulugbekovna, O. A. (2021, August). THE COURSE OF COMORBID CONDITIONS IN DIFFERENT FUNCTIONAL CLASSES OF CHRONIC HEART FAILURE. In *INTERNATIONAL CONFERENCE ON MULTIDISCIPLINARY RESEARCH AND INNOVATIVE TECHNOLOGIES* (Vol. 1, pp. 131-134).
53. COMPARATIVE ANALYSIS OF CERTAIN LABORATORY AND FUNCTIONAL INDICATORS IN PATIENTS WITH DIABETES AND WITHOUT CHRONIC HEART FAILURE. NO Djuraeva, AG Gadaev *International Conference of Education, Research and Innovation* 1 (2), 17-20
54. Orifovna, D. N., Gadaevich, G. A., & Ismatullaevich, T. R. (2023). THE ROLE OF TRANSFORMING GROWTH FACTOR- β 1 IN THE DEVELOPMENT OF PROCESSES OF FIBROSIS IN THE HEART AND KIDNEY IN PATIENTS WITH DIABETES WITH CHRONIC HEART FAILURE. *Art of Medicine. International Medical Scientific Journal*, 3(1).
55. Rizoyevna, H. L. (2023). Bosh Miya Shikastlanishida Miya Va O'pkaning O'zaro Ta'sirini O'rganish. *AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMiy JURNALI*, 2(10), 93-98.